



ТОШКЕНТ

2019 йил 13 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 195 (14.042)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ НАГОЯ ШАҲРИ МЭРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 декабрь куни Япониянинг Нагоя шаҳри мэри Такаси Кавамурани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланаётгани, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, банк-молия, илмий-техник ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик кенгайиб бораётганини қайд этди. Ушбу учрашув Ўзбекистон делегациясининг Японияга расмий таширифи арафасида ўтаётгани таъкидланди.

Нагоя шаҳри Япониянинг энг йирик sanoat ва илмий марказларидан бири бўлиб, у билан ҳамкорлик турли йўналишларда ўзаро манфаатли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг истиқболлар очади.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги шериклик, жумладан, 2010 йилда Тошкентда очилган Нагоя университети вақолатхонаси кўмағида ривожланаётгани юксак баҳоланди.

Учрашувда автомобилсозлик, шаҳарсозлик, тўқимачилик, юқори технологиялар, инновациялар, туризм ва бошқа йўналишларда яқин ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Тошкент ва Нагоя шаҳарлари ўртасида имзоланиши кутилаётган ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, пойтахтимизда Юқори технологиялар паркинни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш, шубҳасиз, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли шериклики янада мустақамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Нагоя Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик учун кўприк бўлишига ишонч билдирилди.

Истиқболли дастур ва лойиҳаларни амалга оширишни илгари суриш мақсадида "Йўл харитаси" ишлаб чиқишга келишиб олинди.

ЎЗА

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг жорий йилда қўйилаётган натижаларини кўриб чиқиш ва 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш вазифаларини белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда йил якунига қадар қисқа вақтда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама этилди. Хусусан, тармоқ корхоналарида мавжуд захираларни сафарбар қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, нефть-газ, электр энергетикаси, кимё sanoati ва бошқа йирик корхоналарнинг солиқ қарздорлигини бартараф этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати ҳам таҳлил қилинди. 31 та лойиҳа бўйича қоқоқликка йўл қўйилгани, 8 та ҳудудий лойиҳа самарасиз деб топилгани қайд этилди.

Йиғилишда иқтисодиётда 2020 йил учун белгиланган асосий режаларни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Келаси йилда ялпи ички маҳсулот 5,5 фоизга, sanoat 6,5, қишлоқ хўжалиги 4 ва хизматлар 5,7 фоизга ўсиши прогноз қилинган.

Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкка ушбу кўрсаткичларга эришишда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ҳозирдан тўғри баҳолаб, барча идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигида катта резервлар мавжудлиги, бу соҳа орқали тўқимачилик, озик-овқат ва чарм-пойабзал sanoati, қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш мумкинлигини таъкидлади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида келаси йили амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

Sanoat тармоқлари, энг аввало, металлургия, нефть-газ ва кўмир қазиб олиш, кимё, қурилиш материаллари, автомобилсозлик sanoatини барқарор

ривожлантириш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги иқтисодиёт тармоқларини қафолатланган ресурслар билан таъминлаб, кейинги йилда уларнинг барқарор ишлашига замин яратиш вазифаси қўйилди.

Жаҳонда рўй бераётган турли иқтисодий зиддиятлар таъсирига эътибор қаратилар экан, келаси йил мураккаб ва синов йили бўлиши таъкидланди. Зарур чоралар кўриб, маҳсулот ва хизматлар экспортининг жорий йилга нисбатан камида 20 фоизга ўсишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдирish масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Озик-овқат маҳсулотлари нархи асоссиз ўсиб кетишининг олдини олиш, бунинг учун маҳсулот этиштирилишидан то қайта ишланиб, бозорда сотилгунча бўлган жараёни тўлиқ қамраб олган ҳолда назорат қилиш бўйича масъуллар белгиланди.

Режалаштирилган 201 та муҳим инвестиция лойиҳасини ўз вақтида ишга тушириш, шунингдек, 2020-2022 йиллар учун мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Худудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, янги кичик бизнес субъектлари ташкил этиш орқали келаси йили 400 мингга яқин иш ўрни яратиши кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиб, белгиланган режаларни сифатли бажариш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича ҳисоботлар тингланди, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

САЙЛОВ – 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Экологик партияси номидан "Бош мақсадимиз – экологик барқарор жамият барпо этиш" сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ САЙЛОВЛАР" АКЦИЯСИ

"Пойтахт" бизнес марказида "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати томонидан 14 декабрь куни мамлакатимиз бўйлаб ўтказиладиган "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" миллий акциясига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий мақсадларидан бири халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантиришдир.

14 декабрь куни соат 14:00 да республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказиладиган оммавий акция тадбирлари ҳақида маълумотлар берилди. Мазкур акция тадбирларини ўтказишдан мақсад яқинлашиб келаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари учун ўтказиладиган сайловларда барча фуқароларни фаол иштирок этишга чорлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси, маҳаллий ҳокимликлар, Халқаро матбуот маркази ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этиладиган акцияда таниқли инсонлар билан учрашувлар, сайловга тайёргарлик жараёнлари ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида ахборотлар, мусиқий дастурлар ва турли виқториналар ўтказилади. Сайлов ҳақидаги барча маълумотлар содда ва халқона тилда аҳолига етказилади.

– Асосий тадбирлар вилоят, шаҳар ва туман марказларида бўлиб ўтади, – деди "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати матбуот котиби Акбар Эргашев. – Жумладан, акция Нукус шаҳрида И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейининг биноси олдида, Самарқанд шаҳрида Самарқанд вилояти мусиқали драма театрининг ёзги саҳнасида, Термиз шаҳрида амфитеатрда, Қарши шаҳрида Мустақиллик майдонида бўлиб ўтади. Акцияни юқори савияда ўтказиш учун очиқ майдонлар, техник жиҳозлар ва бошқа қўшимча қулайликлар яратилган.

Г. БОБОЕВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма бешинчи ялпи мажлиси 2019 йил 14 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН – ЭРОН: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК

Тошкентда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Эрон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Элёр Ганиев ҳамда Эрон Ислом Республикаси sanoat, конлар ва савдо вазири Ризо Раҳмоний ҳамраислик қилди.

Нур-Султон шаҳрида 2017 йил сентябрь ойида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити бўлиб ўтган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мазкур саммит доирасида Эрон Ислом Республикаси Президенти Хасан Рухоний билан учрашувни ўзаро ҳамкорлик алоқаларини амалий мазмун билан бойитиш имконини берди.

Жорий йилнинг август ойида Туркманistonнинг Туркманобод шаҳрида ташкил этилган Касий бўйи мамлакатлари форуми саммити доирасида Бош вазир Абдулла Арипов Эрон биринчи вице-президенти Исҳоқ Жаҳонгирий билан учрашди. Бугунги кунда икки давлат ташкил ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури амал қилади, вазир ўринбосарлари даражасидаги Ўзбекистон – Эрон сиёсий маслаҳатлашувлари, ҳамкор мамлакатда Ўзбекистон иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятига доир

бизнес-форумлар ўтказиб келинмоқда.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Эрон ҳукуматлараро комиссиясининг 12-мажлиси 2018 йилда Техронда бўлган. Мамлакатимиз делегациясига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О.Раматов бошчилик қилган анжуманда умумий қиймати 12 миллион доллардан зиёд 5 та экспорт шартномаси имзоланган.

Икки томонлама алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида имзоланган 55 та ҳужжат ташкил этади. Шундан 24 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро, 9 таси идоралараро мавқега эга.

2018 йил якунига қўра, Ўзбекистон – Эрон ўртасида маҳсулот айирбошлаш ҳажми 306 миллион доллардан ортди. Шундан 172,5 миллиони экспорт улущига тўғри келади.

Бугунги кунда юртимизда ушбу давлат билан ҳамкор 234 та компания фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 103 таси тўлиқ Эрон капиталли асосида ташкил этилган.

(Давоми 2-бетда)

Муносабат

КОНСТИТУЦИЯ – БИРДАМЛИК ЗАНЖИРИ

Ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кунни юқори кайфият билан қутиб оламиз, ўзгача шукҳудда байрам қиламиз. Бу бежиз эмас. Унинг қадр-қимматини, аҳамиятини ҳар биримиз дил-қалдан ҳис этамиз. Чунончи, Конституция мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қафолати, бирдамлик занжири, тенглик мезонидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини меҳр-муҳаббатимиз, қалбимиз билан қарши олдик, бутун вужудимиз билан тингладик.

Дарвоқе, Президентимиз томонидан келтирилган пурмаёно иқтибос кўнглимиздаги гап бўлди. "Соҳибқирон Амир Темур бобомиз "Давлат қонунлар асосида қуриламиз экан, ундай салтанатнинг шукҳи, қудрати ва таркиби йўқолади", деб таъкидлаган эдилар. Шу нуктага назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади". Дарҳақиқат, давлатнинг эркин ва адолатли фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат бўлишида Конституциянинг аҳамияти чексиз. Зеро, давлат қурилишида Конституция ва қонунлар устувор бўлар экан, мамлакатда тараққиёт бўлади, адолат бўлади, фаро-

вонлик бўлади. Бу эса, эртанги кунига ишонч билан яшаётган халқимиз учун жуда муҳимдир.

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида муҳасам этилгани бежиз эмас. Президентимиз маърузада ана шу принципни амалга ошириш учун бизда қатъий сиёсий ирода ва етарли имкониятлар мавжудлигини эътироф этди. Жумладан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегия яратиш таклифини ўртага ташлади. Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг улуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юрлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида "Инсон ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари", "Аёллар ҳуқуқлари" номли махсус ўқув курсларини жорий этиш таклифини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида Президент мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мактабда биринчи кўнгирик чалиниб, дастлабки дарслар бошланди. Таъкидлаш жоизки, мазкур мактаб қурилиши учун маҳаллий бюджетдан 67 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, замонавий лойиҳа асосида 168 ўринга мўлжаллан-

ган икки қаватли ўқув биноси, шунча ўринга мўлжалланган уч қаватли ётоқхона, барча қулайликларга эга меҳмонхона, спорт заллари, бассейни, ошхона, дарсхоналар ўқувчиларга хизмат қилади. Барча зарур жиҳозлар Хитой ва Туркиядан келтирилди.

● Фарғона вилояти Данғара туманида янги кутубхона фойдаланишга топширилди. Янги бунёд этилган ахборот-кутубхона марказида китобхонлар учун барча қулай шароитлар яратилган бўлиб, замонавий компьютер ва жиҳозлар билан таъминланган. 20 мингдан ортиқ китоб фондига эга бу маскан данғараликлар учун байрамга муносиб тухфа бўлди.

● Шу кунларда юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам Янги йил байрами олди-

дан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо-ярмаркалари ташкил этилди. Савдо расталарида қишлоқ хўжалиги ходимлари томонидан этиштирилган сифатли ва сархил мевалар, сабзавот ҳамда полиз, шунингдек, асал, сўт, тум, гўшт, балиқ, умуман, 50 турдан зиёд озик-овқат, қандолат маҳсулотлари арзон нархларда харидорларга тақдим этилмоқда.

● Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус доирасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди. Вилоят ҳудудидаги спортга ихтисослашган таълим муассасалари ходимлари ўртасида ўтказилган мусобақада болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари (БЎСМ), ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби,

Чирчиқ шаҳар олимпия захиралари мактаб-интернати ва жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, жами 22 та жамоа иштирок этди.



● Француз императори Наполеон Бонапарт 1821 йилда авлиё Елена оролига сургун қилинганда кийган бир жуфт табиий чармдан тайёрланган олий сифатли этик Париждаги ким ошди савдо уйига 80 минг евролик бошланғич нарх билан қўйилмоқда.

● Острова шаҳридаги касалхоналардан бирида номаълум шахс отишма содир этиши натижасида олти киши ҳалок бўлди. Чехия бош вазири Андрей Бабишнинг маълум қилишича, ҳалок

бўлганлар шифокор қабулига кириш учун навбат қутиб ўтирган беморлар бўлган. iDNES.cz нашрининг ёзишича, номаълум шахс травматология бўлимида ўтирган беморларга яқин масофадан ўқ узган. Полициянинг хабар беришича, отишма содир этган шахс қўлга олиш чоғида ўзини отиб ўлдирган.

● Антарктидага парвоз вақтида исиз йўқолиб қолган Чили ҳарбий-ҳаво кучларининг самолёти ҳалокатга учраган, омон қолганларни қидириш ишлари давом этмоқда. Чили ҳарбий-ҳаво кучлари генерали Эдуардо Москейра йўқолган самолётда сувага кўниш имкони бўлганини айтиб ўтди. Унинг сўзларига қўра, йўқолган Hercules C130'да бўлган ёқилиш микдори ҳавода бўлиш учун етарли эди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФЗОЛАТЛАНИШИ

Сайлов – демократия кўзгуси. Демократия эса Конституциямизнинг бош тамойили бўлиб ҳисобланади.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда сайлов ва референдумларда бевосита қатнашишлари, ўз овозларини беришларида намоён бўлади. Ўз вакиллари орқали иштирок этиши эса, фуқаролар томонидан ўзлари сайлаган вакил орқали иштирок этишини аниқлатади.

Асосий Қонуниimiz фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратаяди, сайлов тизимининг асосий тамойили ва қоидаларини мустақамлашди.

Дарҳақиқат, 2019 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда бешта сиёсий партия ўзаро рақобатга киришадилар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётини умумэтироф этилган халқро стандартларга мувофиқ ҳолда изчил ривожлантириш ҳамда шакллантириш соҳасида катта тажриба тўпланди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида 23-боби айнан сайлов тизимига бағишланган. Унда Президент сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий давлат ҳокимияти ва

қиллик органларига сайлов масалалари тартибга солинган.

Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Умуман, сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар таъминланади. Давлат ва жамият ҳаётидаги кенг қамровли ислохотлар натижасида ушбу моддага ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилган. Жумладан: биринчидан, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги Қонунига асосан Конституциянинг 117-моддаси янги тахрирда қабул қилинган; иккинчидан, “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги Қонунига асосан ушбу модданинг туртинчи қисми қуйидаги мазмунда туртинчи ва бешинчи қисмлар билан алмаштирилган:

– “Суд томонидан муомаллага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

Суд томонидан муомаллага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган-

лиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди”;

– бешинчи – Учинчи қисмлари тегишинча олтинчи – ўн биринчи қисмлар деб ҳисобланган;

– саккизинчи қисмидаги “Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига” деган сўзлар чиқариб ташланган.

Мазкур моддада назарда тутилган бошқа қоидалар ҳақида тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоши-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Ўзбекистон замонавий сайлов қонунчилигини шакллантиришда халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойили ва қоидаларини, инсоннинг сиёсий ва сайлов ҳуқуқларини ўзида мужассам этган бир қатор муҳим халқро ҳужжатлар, чунончи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пакт, Иркий камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW), Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, БМТ Сайловлари халқро кузатиш принципларининг декларацияси (унга Халқро кузатувчиларнинг ахлоқ кодекси илова қилинган), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси, Янги Европа учун Париж хартияси, ЕХҲТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича қонференцияси Колпенгаген кенгашининг ҳужжати талаблари инobatга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция – бу истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзи. Конституция биз учун гурур-фитхор, шу заминда истиқомат қилаётган миллиати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мутсаҳҳам бир ҳимоя, давлат тараққиётининг ҳуқуқий мезони демокдир.

**Қ.ХОЖАМУРАТОВ,
Судьялар олий мактабининг иқтисодий йўналиш бўйича магистратура тингловчиси**

ЯРАШТИРУВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИЙ ЎРГАНИЛДИ

Пойтахтимизда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштирув комиссиялари фаолияти самарадорлигини таҳлилий ўрганиш натижалари ҳамда оилавий низоларни тартибга солиш соҳасида янги усул ҳисобланган медиацияни татбиқ этиш” масалалари тақдимоти ўтказилди.

Тадбир Вазирилр Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маълумки, маҳалла азалдан ҳаётимизда учрайдиган барча иллатларнинг олдини олишда бирламчи тарбия маскани ҳисобланади.

Жамоат ташкилотларининг олдида турган вазибаларни бажаришдаги муҳим йўналишлардан келиб чиқиб, Республика Маҳаллалар кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, “Нуроний” жамғармаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда “Маҳалларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш бўйича жамоат ташкилотларининг 2019 йил ноябрь-декабрь ойларига мўлжалланган ҳамкорлик дастури” тасдиқланди.

Бугунги кунга қадар Дастур доирасида биргина “Оиладаги тотувликка бирга эришамиз” шиори остида ўтказилган маънавий тадқиқот маркази маҳалла фаоллари, “Оила” маркази масъуллари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар органлари, психологлар, ФХДЭ органлари ва бошқа раҳбар ходимлардан иборат таркибда шакллантирилган маънавий гуруҳи аъзолари томонидан маҳалларда 2 022 марта тадбирлар ташкил этилди, уларга 104 445 нафар муаммоли оила вакиллари жалб этилди.

Оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган “Кўринг, ҳавас қилинг, ибрат олинг!” мавзусида ҳамкорликда 2325 марта давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази оила институти тақомиллаштириш соҳасида олиб борилаётган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда фаол иштирок этади, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилинишини таъминлайди. Айтиб ўтиш жоизки, ўтган бир йил давомида марказ томонидан ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ҳаётга замонавий намунали оила ҳамда “Соғлом оила – соғлом жамият” концептуал доирасининг мезонларини татбиқ қилишга йўналтирилган 35 дан ортиқ илмий-амалий тадқиқотлар ўтказилган.

Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Яраштириш комиссияси раиси ва аъзоларининг оилаларда келишмовчилик ва низоли вазибаларни ҳал этишнинг замонавий услубларидан бохабар бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилада маънавий муҳитни шакллантиришда фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиясининг алоҳида ўрни жуда муҳим, албатта.

Яраштириш комиссиялари кўплаб оилалардаги, яқин қариндошлар, қўни-қўшилар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этишга ва ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишга кўмак бериб келмоқда.

Тадбир давомида Яраштириш комиссиялари фаолияти самарадорлиги илмий-амалий таҳлил қилинди. Тақдимотларда Яраштириш комиссияси фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, медиациянинг мақсад, вазифа ва тамойиллари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг Яраштириш комиссияси раисларини медиатив техникаларга ўргатишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Семинар давомида фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссия фаолиятини тақомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН САЙЁР УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Сергели” ташқи иқтисодий фаолият божхона постида тадбиркорлар учун сайёр учрашув ташкил этилди.

Бош вазир қабулхонасининг Сергели тумани бўлими ва прокуратура билан ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур тадбирдан қўзланган мақсад божхона соҳасидаги сўнги янгиликлар ва қонунчиликдаги ўзгаришларни батафсил етказишга қаратилди.

Яқинда янги манзилда иш бошлаган мазкур божхона постининг шаҳар четидан марказга қўчганидан, натижада йўл учун сарфланган вақт ва харajatнинг тежаллишидан энг аввало тадбиркорлар манун. Рақамларга мурожаат қилсак, “Сергели” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости орқали жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида 290 млн. АҚШ доллари қўйматидаги товарлари экспортга расмийлаштирилди. Ушбу давр мобайнида 38 мингга яқин божхона юк декларациялари расмийлаштирилган бўлса, шундан 10392 та, яъни салкам 27 фоиз ҳолатдаги божхона кўриқлари ўтказилди. 27 мингдан зиёд декларациялар эса яшил ва сариқ йўлларга йўналтирилди.

Келгуси йилдан бошлаб соҳада янги бир инновацион янгиликка қўл урилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсия ва тамойилларига тўла жавоб берадиган “Ягона дарча” божхона ахборот тизимини жорий этиш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур тизим орқали ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари

ри ваколатли органлардан рухсат беришга доир ҳужжатларни олишлари ва божхона органларига тақдим қилишлари мумкин. Бу эса ташқи иқтисодий иштирокчиларга бизнесни юритиш жараёнини янада тезлаштириш ва соддалаштиришга хизмат қилади.

2019 йилда тадбиркорларни божхона соҳасида қўллаб-қувватлашга, рағбатлантиришга қаратилган янги бир янгиликка қўл урилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрель куни “Ваколатли иқтисодий оператор институтини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга асосан илгари амалиётда умуман кузатилмаган янги тўшунла – юридик шахслар учун ваколатли иқтисодий оператор мақоми жорий қилинди. Содда қилиб айтганда, ҳалол, қонунга итоаткор тадбиркорларга қўшимча ваколатлар ва энгилликлар берилади. Масалан, уларнинг товарлари божхонадан бирон бир навбатларсиз, божхона тўловларини кечиктириб тўлаган ҳолда расмийлаштирилади, юклари эса ўзларининг омиборларига туширишга рухсат берилади.

Ҳозирги кунда республикаимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолат-

ларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ тизими тўдан энгил қилинди, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди.

Тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш билан бирга уларнинг масъулияти ҳам оширилмоқда, яъни қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмайдиган тадбиркорларнинг жавобгарлиги оширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 31 октябрдаги “Божхона маъмуриятчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунининг мазмун-моҳиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Учрашув сўнгига ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келаётган, жумладан божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан Давлат божхона қўмитасининг 11-08 қисқа рақамига қўнғирок қилиши ёки бевосита бошқарманинг (78) 120-76-76 телефон рақамига мурожаат қилиши мумкинлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА

ЎЗБЕКИСТОН – ЭРОН: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон экспортининг асосий улушини пахта, пахта толаси, дуқакли экинлар, пилла, минерал ўғитлар, транспорт ва бошқа хизматлар ташкил қилса, Эрондан мамлакатимизга пластмасса, механик усуналар, меблика, кимёвий ашёлар, дори-дармон, чой, куруқ мева, керамика каби маҳсулотлар импорт қилинмоқда.

Айни пайтда томонлар ҳукуматлараро, идоралараро, минтақалараро алоқаларни янада кенгайтиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Ҳамкорлик йўналишлари савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва транзит, стандартлаштириш, инновациялар, илм-фан, туризм, маданият, қишлоқ ва сув ҳўжалиги каби ўнлаб соҳаларни қамраб олган.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси Савдо-иқтисодий алоқаларни, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Икки ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик, Дармад ҳамда капитал солиқларга тааллуқли маъмулотларни алмашиш каби қатор битимлар билан мустаҳкамланган.

Ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилиш, Ўзбекистон маҳсулотларининг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ва дуқакли экинларни транзит ташвишга босқичма-босқич ўтиш бўйича келишувга эришилган. Автомобиль ва темир йўл транспорт йўлақлари бўйича ўзаро манфаатли битимлар амал қилмоқда.

Томонлар мавжуд автоматобиль ва темир йўллар йўлақларидан фойдаланиш ҳамда лойиҳалаштирилган янги йўлақларни қуришдан бирдек манфаатдор.

Мажлисда савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришда ҳар икки томоннинг интилиши ва имкониятлари юқори экани таъкидланди. Инвестициялар, транспорт, санаот, туризм, илм-фан, қурилиш каби ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тақлифлар ўрганилди, тақдимотлар ўтказилди.

Мажлис яқунлари бўйича тегишли протокол имзоланди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон – Эрон ишбилармонлари бизнес-форуми ҳам ташкил этилди. Тадбирда қурилиш, нефть, кимё, фармацевтика соҳалари, металл буюмларни қайта ишлаш, иситиш ва совутиш тизими, шунингдек, муҳандислик, транспорт, логистика, туризм, ахборот технологиялари, қурилиш, банк иши, қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик, паррандачиликка ихтисослашган 100 дан ортиқ компания вакиллари иштирок этиди.

Форумда икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш ва янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Форум доирасида икки мамлакат бизнес доираларининг “B2B” форматдаги учрашувлари бўлиб ўтди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири**

КОНСТИТУЦИЯ – БИРДАМЛИК ЗАНЖИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кун. Шундай унутилмас кунда Давлат раҳбарининг инсон ҳуқуқларига оид тегар фикрларини мушоҳада қилиш жуда ҳам қувонарли. Албатта, бундай жонқуярлик энг одил, энг адолатли мамлакат раҳбарига хос. Президентимизнинг қунончилик билан инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг ўзқисми тизимини яратиш ҳақидаги қарашлари халқимизни норози қилаётган айрим қонунчи менсимайдиган амалдорларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириб қўйиши шўбҳасиз. Зеро, амалдорнинг ишчанлик даражаси инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш даражаси билан ўлчанади.

Маърузада олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўплаб қундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда “қонунни четлаб ўтиш” ҳолатлари ҳам қораланди. Бундай иллатнинг илдирилари киркиш лозимлиги таъкидланди. Жуда тўғри. Қонунни четлаб ўтувчи, тадбиркорликка тўғноқ бўлувчи, коррупцияга мойил шахслар орамизда бўлар экан, мамлакатимиз иқтисодий қудратига соя солавереди. Бунинг учун биз жамиятда коррупцияга нисбатан мутлақо тоқатсизлик маданиятини шакллантиришимиз даркор. Коррупция билан қурашиш фақат давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза этиш тузилмаларининг вазифаси, балки бутун жамиятнинг бурчи эканлигини унутмаслигимиз лозим. Қолаверса, қонунни четлаб ўтиш бу жиноят, бу зулм. Имом ат-Термизийдан ривоят қилинишича, гуноҳларнинг ичиди энг оғир зулмдир.

Очигини айтганда, судлар мустақиллигини таъминламасдан инсон ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш имкони бўлмайди. Ҳали-ҳамон суд ишларига ташқаридан босим ўтказиш ҳолатлари сезилиб турибди. Бу муаммо Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус эксперти хулосасида ҳам қайд этилган эди. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашни устувор вазифа сифатида қатъий белгилаб берди. Суд бирон-бир мансабдор шахсининг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт эканлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, судлар фақат қонунга бўйсиниши лозим. Акс ҳолда, унинг холислиги шўбҳа остида қолади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашда адвокатура институтининг ҳам ўз ўрни ва роли бўлиши керак. Бу борада қонун ҳужжатлари босқичма-босқич тақомиллаштириб борилаётганига қарамасдан амалиётда муаммолар бисёр. Маърузада таъкидланганидек, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисинга фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди. Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун аввало адвокат кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Қолаверса, уларнинг нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, ҳар бир адвокат маънавий ҳуқуқий хизмат кўрсатиши учун зарур чораларни кўриш, адвокаттура фаолиятига оид қонунлар ижроси юзасидан қучли ва самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнида адвокат ва прокурор ўртасидаги тенглик принципини амалда таъминлаш чораларини кўриш вақти келди.

Президентимиз мулк ҳуқуқи дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида бўлиши лозимлиги ҳақида тўхталганлиги ҳам айни муддао бўлди. Келаси йилдан эътибор ҳокимларнинг қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколатли халқ депутатлари Кенгашларига берилиши оқилона қарордир. Буни мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан бири, деб айтиш мумкин. Шу пайтга қадар ҳокимлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қарорларни ўзлари қабул қилар, вақти келганда эса, уларни ўзлари бекор қилиш ҳам мумкин эди. Энди ана шу ваколатни чеклашнинг фурсати етди. Чунки, бундай ваколат фақат ҳокимга берилиши турли адолатсизликларга сабаб бўлаётганини кўплаб мисоллар кўрсатмоқда. Конституциямизнинг 53-моддасида турли шаклдаги мулкларнинг тенглиги белгиланган бўлиб, уларнинг барчаси қонун ҳимоясидадир. Мулк ҳуқуқидан фақат суднинг қонуний қучга кирган қарори билангина маҳрум этилиши мумкин. Зеро, фақат шу йўл билан халқ розилигига эришамиз, фаровон келажагимиз кафолатини қонун устуворлигида кўрамиз.

Маърузада давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, холис кўриб чиқишлари лозимлиги тилга олинди. Оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам “жамият кўзгуси”га айланиши кераклиги таъкидланди. Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда таъйиқ ўтказишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги хитоб шахсан Президентимиздан янграгани бизни беҳад қувонтирди.

Дарҳақиқат, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак. Раҳбарларнинг журналистларга напосдан муносабати, ўзини ОАВдан олиб қочиб чиқилиш ва ошқораликка пугур етказиш билан бир қаторда юртимизнинг халқро майдонда обрўсига салбий таъсир кўрсатади. Бундан қўз юмиб бўлмайди. Амалдорлар оммавий ахборот воситаларидан гуноҳор одам қўзини олиб қочганидек, қочмаслиги лозим. Аксинча, танқид қабул қилиш, ҳазм қилиш ва хулоса чиқариш учун ҳам зарур. Унда тўғри хулоса чиқариш, ўзини ўзи ислоҳ қилиш муваффақиятлар гаворидир.

Бу каби муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қўйи ва ўрта поғонадаги раҳбарлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув ташкил этиш ўринли, деб биламиз. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мамлакат тараққиётининг энг муҳим шартидир. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотларга томошабин бўлмаслигимиз, уларнинг ичиди бўлиб, дахлдорлик билан ишлашимиз, намуна кўрсатишимиз, камарбаста бўлишимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлида янада жишкор биралишимиз лозим. Зеро, Конституция – бирдамлик занжиридир.

Абдуқамол РАҲМОНОВ



БОШ МАҚСАДИМИЗ – ЭКОЛОГИК БАРҚАРОР ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ

Ўзбекистон Экологик партияси бошқа сиёсий партиялар қарашлари, мақсад ва вазифаларини инкор этмаган ҳолда, барча сиёсий ва мафкуравий кучларни — она табииятни асраб-авайлаш, унинг неъматларини келажақ авлодларга етказишдек буюк гоё атрофида биригиллашга қадам қўлади.

Айтиш жоизки, тобора глобал тус олаётган экологик муаммоларни ҳал этиш, иқлим ўзгариши жараёнига қарши курашиш борасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг сайё-ҳарақатларини бирлаштириш йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва барқарор ривожланиши, халқимизнинг фаровонлигини янада юксалтириш мавжуд табиий бойлиқларимизга таянган ҳолда амалга оширилади. Мустақил тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни келгуси авлодларга қолдириш борасида узқони кўзаланган давлат сиёсати юритилмоқда.

Экологик барқарорлиқни таъминлаш, муаммоларни бартараф этиш ва улар салбий оқибатларининг олдини олиш, экологик ҳолатни яхшилаш ва юзага келган муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишда бутун аҳолининг фаол иштироки керак бўлади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳолининг саломатлигини сақлаш бўйича ишлаётган миллий ҳамда чет эл жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари ижобий тажрибаларини ўзлаштирган сиёсий куч — Ўзбекистон Экологик партияси бундай муҳим ҳаётий мақсад ҳамда вазифаларни бажаришга қодир.

Партия ўз дастурий вазифаларини, сайловолди сиёсий позициясини амалга оширишда фаоллиги ялба Ватанимиз манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аҳоли соғлигини сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш борасидаги туб ислохотларни тушуниб етган, ташкилотчилик тажрибасига эга ва бу борада мустақил қарор қабул қила оладиган фуқароларга таянади.

Давлат сиёсатида атроф-муҳит масаласи устуворлигига эришамиз

Ислом ХУШВАҚТОВ,

Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Партиямиз мамлакатимизнинг экологик сиёсатини амалга ошириш ва фуқароларнинг қўлай атроф-муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, ўзининг сиёсий ташаббусларини ҳаётага татбиқ этишда жамиятнинг барча кучини сафарбар этишни муҳим устувор йўналиш, деб ҳисоблайди.

Юртимизнинг ўзига хос ноёб табииятини ҳамда табиий объектларини ва мажмуаларини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг генетик фондидан сақлаб қолиш мақсадида атроф-муҳит мониторингини юритиш ва унинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига йўл қўймаслик, аҳоли ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш, экологик маданиятни шакллантириш, экологик таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни изчил давом эттирамиз.

АНА ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, КУЙИДАГИЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТАМИЗ:

мамлакатимиз туман ва шаҳарларидаги экологик ҳолатни ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга доир лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда ижро органлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўямиз, уларнинг бажарилиши устидан парламент, депутатлик, жамоатчилик назоратини олиб борамиз; ҳудудларни истиқболда ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиб, улар ҳар жиҳатдан экологик талабга мувофиқлиги юзасидан кенг жамоатчилик ҳулосаларини олишга кўмаклашамиз;

мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш, уларнинг юзага келишининг олдини олиш ва салбий оқибатларини бартараф этишда давлат органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар сайё-ҳарақатларини бирлаштирамиз; сув ва табиий ресурслардан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, табиий муҳофаза қилиш борасидаги миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, аждоқларимиз эъзозлаб келган она табииятни асрашни муқаддас бурчага айлантириш гоёсини илгари сурамиз;

аҳолининг экологик масалаларга оид мунозараларини қўриб чиқиб, улар билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этамиз, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнилий манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш мақсадида умум-ўй юриб, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаймиз ҳамда ҳал этамиз;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир қўнун ҳужжатларини такомиллаштириш, аҳолининг экология ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш ҳамда давлат экологик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этамиз.

Биз соҳага оид мукамал қўнунлар, нормалар ва стандартлар тарафдоримиз

Ойбек РАҲИМОВ,

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:

— Биз умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига асосан, табиий муҳофаза қилиш масаласини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш, атроф-муҳитни ҳимоялаш ва табиатдан оқилона фойдаланиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга доир қўнунчиликни янада такомиллаштириш ҳамда янги қўнун ҳужжатлари қабул қилиш ташаббусини илгари сурамиз.

Қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси 30 га яқин қўнунлар ва 150 дан ортиқ қўнуноти ҳужжатлари орқали тартибга солиб келинмоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинган қўнунларни тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар асосида ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилади. Аммо соҳага оид қўнунлар экологик муносабатларнинг умумий жиҳатларини тартибга солиш билан чекланган ҳолос. Ана шу ҳуқуқий бўшлиқ ижро ҳокимияти ҳужжатлари билан тўлдирилган. Бу соҳани юқори юридик кучга эга қўнунлар билан тартибга солиш имконини бермаётти.

Соҳа қўнунчилик базасини тизимлаштириш, тўғридан-тўғри амал қилиш механизмига эга қўнунларни қабул қилиш бугунги кунда долзарб масалага айланган.

Шундан келиб чиқиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, Ўзбекистон томонидан қабул қилинган халқаро норма ва қондаларга оғишмай ривож этилишини таъминлаш, мажмуавий ва тўғридан-тўғри амал қиладиган Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексини қабул қилишни сайловолди дастуриймизга киритганмиз.

Бу кодекснинг қабул қилиниши соҳани яхлит тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги қарама-қаршилиқларни, бўшлиқларни ва “оқ доғ”ларни бартараф этишга хизмат қиладди.

ШУНИНГДЕК, ПАРТИЯМИЗ:

миллий манфаатларимизга мос келадиган халқаро ҳужжатларнинг талабларини миллий қўнунчиликка сингдиришга; аҳолининг қўлай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва табиатдан фойдаланиш бобида “ифлослантирувчи тўлайди” тамойилига асосан, мутлақо янги қўнунларни қабул қилиш ва уларни амалга оширишга;

трансчегаравий тусдаги зарарли таъсирлар оқибатини бартараф этиш, атроф-муҳитга ва аҳолининг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмларини янада такомиллаштириш ва бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга кўмаклашадди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришнинг устувор мақсадларига ва унинг миллий манфаатларига мос келувчи халқаро экологик конвенция ва келишувларга қўшилиши масалаларини илгари сурамиз.

Экологик масалалар юзасидан қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш ва аҳолининг тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи тўлиқ инобатга олинишини таъминлашни ҳам ўз олдимиизга вазифа қилиб қўйганмиз.

Аҳоли саломатлигининг муҳим шарти

Феруза ГАНИЕВА,

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи:

— Экологик хавфсизликни, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини ҳамда соғлигини сақлашга оид экологик ва санитария нормаларига риоя этилишини таъминлаш инсон саломатлигининг муҳим омилли саналади. Шундан келиб чиқиб, аҳолининг экологик хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда уни рўйбга чиқариш ташаббуси билан чиқмоқдамиз.

Бу борадаги вазифамиз давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг экология, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қўнун ҳужжатларига, экологик ва санитария нормаларига риоя этилишини таъминлаш, соҳада қабул қилинган қарорлар ва давлат дастурларини амалга оширишни фаоллаштириш ва унинг бажарилишини таъминлашни назоратга олишдан иборатдир.

БУНДА ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДАН КЕНГ ФЙДАЛАНГАН ҲОЛДА:

Орол экологик фожиаси оқибатларининг ҳудуд аҳолиси ва атроф-муҳити учун салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, мамлакатнинг бошқа экологик нуқулга жойларда табиий муҳитни муътадиллаштириш юзасидан қабул қилинган қарорлар ва давлат дастурларининг ижроси таъминланади;

табиий муҳофаза қилиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги, сув ва сувдан фойдаланиш, ер, ер ости бойлиқлари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чикиндилар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини фойдаланиш тўғрисидаги қўнун ҳужжатлари талаблари бажарилишига кўмаклашадди; аҳолининг, айнқиса, қишлоқ аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш, ҳудудларда канализация тармоғини ривожлантириш, санитар тозалаш ҳамда чикиндиларни йиғиш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини самарали ташкил этиш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини ўрганишга ва таъминлашга асосий эътибор қаратилади;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, уларни бошқариш соҳасига замонавий АКТни жорий этишни таъминлаш, мамлакат экотизимининг биохиммаҳиллигини сақлаб қолиш ҳамда экологик туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмади.

“Ақлли шаҳар” концепциясини “яшил иқтисодиёт”га уйғунлаштирамиз

Саидрасул САНГИНОВ,

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантириш ҳамда Ҳарақатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этиш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил январда Ўзбекистонда “Ақлли шаҳар” технологияларини татбиқ этиш концепцияси ва уни ҳаётга жорий этиш бўйича 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланган эди. Жорий йил 4 октябрда Президентимиз томонидан мамлакатнинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси тасдиқланди.

Умуман биз “Ақлли шаҳар” тизимини “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясига мослаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Негаки, бу тизимни экологик маданият ва билимга эга бўлган шаҳар аҳолисисиз ҳамда ичимлик суви, тупроқ, электр, иссиқлик энергиясидан унумли фойдаланмасдан ва чикиндиларни утилизация қилмасдан туриб татбиқ этиб бўлмайди.

ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ПАРТИЯМИЗНИНГ ЯҚИН МУДДАТЛАРДА ВА 2025 ЙИЛГАЧА МЎЛЖАЛЛАНГАН “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ГА ЎТИШГА ОИД ВАЗИФАЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

“яшил иқтисодиёт” учун кадрларни тайёрлаш; мамлакат энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 10 фоизгача етказиш; аҳоли, айнқиса, қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви таъминотини 100 фоизгача етказиш; атмосфера ҳавоси ифлосланишини 1,5 баробар камайтириш;

чикиндилардан оқилона фойдаланишга эришиш, майиш чикиндиларни қайта ишлаш, тақририй фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш орқали уларни қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга етказиш, ҳосил бўлаётган санаот чикиндиларини қайта ишлаш миқдорини 20 фоизгача етказиш;

муҳофаза этиладиган табиий майдонларни мамлакат ҳудудининг 12 фоизига етказиш;

йирқ санаот марказлари атрофида “яшил қалқонлар” барпо этиш; республика ҳудудининг ўрмон билан қопланганлик даражасини 7,6 фоиздан 15 фоизга етказиш. Умуман, партиямиз аъзолари сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни ижро этишга астойдил ҳарақат қиладди. Бунинг учун бизда етарли куч ва салоҳият мавжуд.

Одобли, билимдон, меҳнатсевар фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлиғидир.

Дарҳақиқат, ҳар бир фарзанд шахси оилада шаклланади. Демак, оила — баркамол авлод пойдевори. Шундай экан, оилада фарзандларни ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, айнқиса, адолат, бурч, ватанпарварликни шакллантириш, она Ватанни севиш ҳиссини уйғотиш ўта муҳим ҳисобланади.

Оилада фарзандларни ўз бурчига садоқат руҳида тарбиялаш масъулият, онглилик, виждон каби фазилатлар билан камбарчас боғлиқдир. Бунда ота-онанинг ўзаро самимий муносабати, уларнинг фарзандлари билан яқин, дўстона муносабатда бўлиши, болажонларнинг келажақдаги орзу-мақсадларини тушуниб олишлари, фарзандларнинг соғ-саломат вояга етишлари учун асос бўлади.

Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин, лекин ўзлигини унутмасин. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу борадаги фикрлари муҳимлигини ҳаётнинг ўзи намоён этмоқда. “Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодими?” деган даъват уларнинг қалбида акс садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниҳа ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”.

Бунинг учун ўқувчиларни одобли, билимдон ва меҳнатсевар қилиб ўстириш, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси юзасидан масъулиятларини ошириш, ота-оналарнинг таълими ва тарбиявий мақсадлардаги ҳамкорлигини мустақкамлаш муҳимдир. Шу ўринда баъзи муаммоларга тўхталиб ўтсак. Баъзи ота-оналарнинг ўз фарзандларига етарли вақт ажрата олмастликлари, оилада ахлоқий тарбиянинг етарли эмаслиги, мактаб таълимига бефарқликни санаб ўтиш мумкин. Ота-оналарга бола тарбиясида шахсий йўналишни белгилашга ёрдам бериш, уларни педагогик билим ва маҳорат билан қуроллантириш, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги иштирокини фаоллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бу эса ўғил-қизларимизнинг илмий дунёқарашини шакллантиради, ижтимоий фаоллигини оширади, замон талаблари асосида таълим-тарбия беришга хизмат қиладди. Таълим жараёнида юқори натижаларга эришиш учун ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш жуда муҳимдир. Ота-оналар билан ишлаш ўқитувчи томонидан қуйидаги принципларга мувофиқ қурилади: юқори касбий маҳорат, ота-она ва уларнинг фарзандларига бўлган ҳурмат, устознинг очиклиги ва уйғунлиги, ота-оналарнинг ўқитувчи билан мулоқот қилишини рағбатлантиришдир.

ИНСОН ЗИЙНАТИ

Болани жамиятда қабул қилинган қўнунларга, тартиб-қоидалар ва ахлоқий нормаларга риоя қилишга ўргатиш аввало оиладан бошланади. Фарзанднинг ахлоқ-одоби, хулқ-атвори даставвал оилада шаклланади, ундаги инсонийликнинг илк ҳислатлари ота-она берган тарбия орқали вужудга келади.

Оилада ота-она, маҳаллада кўни-кўшни ва мактабда педагог тарбиячининг доимий назорати остида бўлган болада ахлоқий ривожланиш раво кечади. Ота-оналарга фарзандларини тарбиялашда ким ёрдам беради? Ўқитувчилар ота-оналарнинг биринчи ёрдамчиларидир. Дарахтдан мева оламан десанг, уни ниҳол даврдан парвариш қил.

Шу ўринда оилада энг оддий бўлиб кўринган оилавий муносабатлар ҳам болага таъсир кўрсатиши муҳимлигини эслашиб ўтмоқчимиз. Айнқиса меҳнатсеварлик, масъулиятлилик, ростгўйлик, самимийлик, садоқатлилик, ширинсухан бўлиш бола камолотидаги муҳим вуситадир.

Ота-онанинг ўз фарзандига “Сен менинг гурурифтхоримсан” дейиши фарзанд тарбиясидаги муносиб хатти-ҳаракатдир. Яқин ота ёки она бўлиш учун ҳар доим меҳрибон бўлиш, меъёрида газабланиш, зарурат туғилганда вазмин бўлиш, бошқа маҳалда табассум қилиш керак бўлади.

Болалар катталарга қўлоқ солишмаса ҳам, улар катталарга тақлид этишда ҳеч қачон хато қилишмаган. Оилада фаровонлик, тинчлик ҳукмрон бўлса бола тарбиясида нохушлиқлар келиб чиқмайди. Болангизга албатта вақт ажратинг. Чунки, сиз уларга керак бўлган энг ишончли одамсиз.

Ота-оналар учун саккиз тавсия: болангиз худди сиздай бўлишни кутманг. Сиз унга ўзи бўлишига кўмаклашинг. Буларнинг барчасини сен учун қиялман деманг. У ҳам бошқаларни дунёга келтиради, уларга қайтаради. Болани нохуш муҳитда ўстирманг, нохушлик келиб чиқади. Боланинг муаммоларига белпосанд бўлманг. Фарзандингизни камситманг, ерга урманг. Уларга ҳаддан ортиқ ваъда берманг, бу унинг худбин бўлишига олиб келади. Уни хатолардан тўғри хулоса чиқаришга ўргатинг.

Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деб бежизга айтмаган. Шундай экан, ҳаммаси учун бугундан ҳарақат қилиш, фарзанд келажағига бефарқ бўлмаслик лозим.

Сўрайё ХУРБОУЕВА,

Яшнобод туманидаги 255-мактаб ўқитувчиси

БОЛАМ, СЕНИ КИМ ЎҚИТГАН?

Биз ўқитувчилар доимо ўқувчиларимизнинг аъло баҳоларга ўқишини жуда хоҳлаймиз. Сабаби, кун келиб кимдир ўқувчиларимизга “Ҳой, болам, ким сенга билим берган эди. Ҳеч нарсани ўқитмаган эканку. Эҳ, 11 йил умрингни бекорга сарфлабсан” деса, бу гап биз ўқитувчиларга наштардек оғир ботади.

Биласизми, ўқитувчи учун энг катта бахт нима? Қачонки, биз ўқитган ўқувчимизнинг ортидан раҳмат эшитсак, бу бизнинг ҳаётимиздаги энг катта ва қувонарли ҳол. Биз ўз ўқувчиларимизни фарзандимиздек кўрмоғимиз ва чин дилдан таълим бермоғимиз керак. Кун келиб жажжиган кўларини ушлаб харф ўргатган ўқувчиларимиз буюк бобомиз Навоийдек шоир, Камолдин Бехзоддек бетакор расом, Ибн Синодек табобат илмининг етук мутахассиси бўлиб етишишига ишонамиз ва доимо кўмаклашишга тайёрмиз.

Ўқувчиларни фанларга қизиқтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида мактабларда турли хил фан ойлари ўтказилади. Шу жумладан Яшнобод туманидаги 227-мактабда ҳам фан ойлари қўрилган. Биз орзиқиб кутган декабрь ойида “Бошлангич таълим” фан ойлари ўтказилмоқда. Кун кеча 4-синфлар ўртада “Ёш китобхон”, математика фанидан “Уйлаб, ўйнаб ўрганишимиз” деб номланган танловлар ўтказилди ва ушбу тадбирларда мактабимизнинг бошлангич синф ўқувчилари жуда фаол иштирок этишди. Албатта фаол қатнашган ўқувчилар фахрий ёрлиқ ва китоблар билан тақдирланишди. Тадбирлар давом этмоқда. Албатта, бу фан ойларида фаол қатнашишга барчамиз бирдек ҳарақатдамиз. Азиз устозлар, унутманг! Биз Ватанимиз келажагининг тарбиячиси. Ўз касбимиз олдидаги бурчимизни оқлаб, ҳалол нон ейишга интилайлик! Биз ўқитувчиларимиз, ҳатто, буюкларнинг буюғига ҳам ўқитувчи таълим берган. Доимо ўз касбимиздан фахрланиб яшайлик!

Гулнора АБДУРАҲМОНОВА

Диққат, янгилик

АРХИВДА ХАЛҚАРО БОШҚАРУВ СТАНДАРТИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Республикада биринчи бўлиб халқаро ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши ҳарақат бошқаруви тизими” стандарти “Ўзархив” агентлиги тизимидаги архивда жорий қилинди.

Бугунги кунда Республикада, жумладан давлат бошқаруви органларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чораларини қўриш давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланган. Коррупциянинг олдини олиш ва бу иллатга қарши курашишнинг замонавий механизми ларини ишлаб чиқиш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

“Ўзархив” агентлиги тизимидаги архив муассаларида коррупцияга қарши курашишни тизимлаштириш ва фаолиятда коррупция рисклари бўлиши мумкин бўлган йўналишларни белгилаш ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида фаолиятга халқаро ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши ҳарақат бошқаруви тизими” стандартини жорий этиш Ўзбекистон Илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивининг 2019 йилдаги устувор вазифалари қаторида эди. Шу мақсадда те-

гишли консалтинг ташкилотини жалб қилган ҳолда ушбу стандартнинг 10 га яқин ички жараён ҳужжатлари ишлаб чиқиби, коррупциянинг олдини олиш тадбирларига қўллаш учун тасдиқланди. Мазкур стандартнинг архив фаолиятига қўлланилишини ўрганиш мақсадида ташқи аудит ўтказилди ва натижаларига кўра архивда ушбу стандарт мувафақиятли жорий этилган деб топилди. Бугун ушбу стандартнинг архивда жорий этилиши бўйича мувофиқлик сертификати топширилди. Аҳамиятли томони, ушбу сертификатни Республикада илк бор Ўзбекистон Илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви қўлга киритди.

Т.МЎМИНОВ,

Ўзбекистон Илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви матбуот хизмати ходими



Кўргазмалар

СУРАТЛАРДА АКС ЭТАР ДУНЁ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Фоторассомлар шўбаси аъзоси, Тошкент Фотосуратлар уйи қошидаги Ижодий фотосанъат мактаб-студияси раҳбари Искандар Содикзоданин "Акс" номли шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, санъат намойишлари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Кўргазмада фоторассом Искандар Содикзоданин тарихий ва бошқа жанрдаги 67 та фотосуратлари намойиш этилди. Портрет, натюрморт, маиший ва бошқа йўналишлар кесимидаги бадий фотокартинкалари томошабинлар ва санъат ихлосмандларининг эътирофига сазовор бўлди.

Ижодкорнинг асарларига назар ташлар экансиз, уларнинг ҳар бирини ўзига хослик, теран бир нигоҳда акс эттирилган ва ҳеч бирига ўхшамаган суратлар галереясининг нозик бир гулдастаси кўз ўнгингизда гавдаланайди.

Фотосуратларда бадий фотографиянинг техник ва технологик қонуниятлари билимдонлигидан келиб чиқиб, чизиклар, шакллар, нур ва соя ўйинлари, сюжет қурилиши, шакллар нисбати, уларнинг жойлашуви, ранглар уйғунлиги, композицияни шакллантиришга бўлган мураккаб ва мумтоз босқич ўта нозик дид билан босиб ўтилганининг гувоҳи бўласиз.

Содикзоданин фотосарларида она диёримизнинг гўзал манзаралари, юртимизнинг тўй ва тантаналари, байрамлари, фуқуқор табиати, байрам-тантаналари, болаларнинг беғубор болалиги тасвирлари, ўзбек аёлларининг ибоси, латофати ва бугунги кун замонашларимизнинг шижоатли қиёфалари жонланади. Шунингдек, ижодкор бадий фотографиянинг техникаси, жанрлари устуда тажрибалар ўтказишни ҳам дадиллик билан ундайди.

Искандар Содикзоданин асарларини кузатар эканмиз унинг ижоди негизда бутун бир гўзаллик дунёсининг очилмаган қирраларини, сехрли дунёсини кашф этгандек бўлди. У ўз асарлари билан нафақат республика балки халқаро кўргазмаларда иштирок этиб совринли ўринларга мушарраф бўлган.

Гулнигор САТТОВА

Тиббиёт

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мамлакатимизда оналар ва болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова ва бошқалар она ва бола саломатлигини асраш мамлакатимизда амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотларнинг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлади.

Бугунги кунда аҳолига бу йўналишда бирламчи тиббий-санитария, диагностика ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий тизим яратилган. Айни пайтда юртимизда 817 та қишлоқ врачлик пункти, 798 та қишлоқ ва 178 та шаҳар оилавий поликлиникасида бу йўналишда тизимли ишлар олиб борилаётган. Тиббий патронаж хизмати замон талабидан келиб чиқиб тақомиллашмоқда.

Ушбу бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида умумий амалиёт шифокори билан бир қаторда олдинлари мавжуд бўлмаган педиатр, терапевт, гинеколог, стоматолог, УТТ шифокори каби тор соҳа мутахассислари фаолияти йўлга қўйилган аҳолининг малакали тиббий ёрдамдан фойдаланишида муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, бирламчи тиббий-санитария муассасаларида "Аёллар маслаҳатхонаси", кўп тармоқли марказий поликлиникаларда "Перинатал скрининг хоналари", вилоят кўп тармоқли болалар марказларида "Қизлар саломатлиги маркази" фаолият юритапти.

Сўнгги уч йил ичида мамлакатимиздаги барча туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларида перинатал скрининг хоналари замонавий ультратовуш тахлил аппарати билан жиҳозланди. Натижада барча ҳомиладор аёлларни скрининг билан қамраб олиш имконияти яратилди. Юртимиз тиббиёт тарихида биринчи марта худудларимиздаги болалар даволаш муассасаларида неонатал хирургия, кардиохирургия, инвазив хирургия, қизлар гинекологияси каби янги бўлимларда мураккаб даволаш амалиётлари ўтказилмоқда.

Туғма ногиронликнинг олдини олиш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда нуқсонларни барвақт аниқлаш мақсадида "Она ва бола скрининг" марказларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди. Болалар 13 турдаги бошқарилувчи инфекцияларга қарши эмлаш билан тўлиқ қамраб олинмоқда.

Юртимиз перинатал муассасаларининг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, мутахассисларимизнинг малакасини ошириш орқали энг кам ваазли гўдақлар, ҳатто беш юз грамм вазнда туғилган чақалоқларни парвартиш ва реабилитация қилиш мумкин бўлиши амалга оширилмоқда. Табиийки, тизимда амалга оширилган бундай муҳим ислохотлар натижасида юртимизда аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга, оналар ва болалар ўлимини кескин камайтиришга эришилмоқда. Сўнгги уч йил ичида гўдақлар ўлими 11,4 промиллидан 9,9 промиллига камайдди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 ноябрда қабул қилинган "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтиришга йўналтирилган чоратadbирлар дастури" тасдиқланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаз қилиш кенгаши тузилди. Хусусан, оналар ва болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши замон талаблари даражасига олиб чиқиш мақсадида мамлакатимизда учта мутлақо янги тиббиёт маркази ташкил этилади.

Буллар Республика ихтисослаштирилган болалар хирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика болалар тиббий реабилитация маркази, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Ёрдამчи репродуктив технологиялар марказларидир. Бундан ташқари, илк бор туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида болалар анестезиология-реанимация ва интенсив терапия бўлимлари ҳамда бемор болаларга тушу кун шошилинч тиббий ёрдам кўрсатувчи навбатчи врач пости фаолият бошлайди.

Яна бир янгилик – биринчи марта ушбу соҳага хусусий секторнинг кириб келишига йўл очилди. Ўрни ушбу қарор билан хусусий тиббиёт муассасалари учун туғруқчи қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланишга рухсат берилди. Эндилқда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг "Хавфсиз оналик" стратегияси талабларига риоя этилишни таъминлай оладиган туғруқ жонлантириш, чақалоқларни жонлантириш, муддатига етмай туғилган чақалоқларни парвартиш қилиш, эндовизуал гинекология бўлимлари, поликлиника, бактериологик ва клиник-биохимик лабораториялари ҳамда юқори малакали тиббиёт ходимлари мавжуд бўлган, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва ФХДЭ органлари ўртасида туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашинуви дастурини доимий юритиш шарти билан хусусий тиббиёт муассасалари туғруқ қабул қилиш фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Анжуманда юртимиз тиббиёти соҳасида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, яхшилаш, аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаз қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келажақдаги лойиҳалар тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

"101"

ОЛОВ — "ТИЛСИЗ ЁВ"

Ўннинг "тилсиз ёв" деб беҳуда таърифлашмаган, чунки у фавқуллодда одам ҳаёти, мол-мулкига тажовуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир.

Лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида рўй берган кўнгилсиз воқеаларни гувоҳи бўлишимизга тўғри келмапти. Таҳлилларга кўра, бу бахтсиз ҳодисалар оловга эҳтиётсизлик муносабатида бўлиш, носоз қўлбола электр мосламаларидан фойдаланиш, ёш болаларни олов билан уйнаши, носоз газ мосламаларини ишлатиш, хавфсизлик қўлқамларига риоя қилмаслик ҳолатлари асосий сабаб бўляпти.

Шунинг учун биз энг хавфсизлиги ходимлари маҳалла фаоллари, барча инсонлар, хонадон эгалари, фарзандларимизни оғоҳликка чакирмаиз.

Дунёда ҳар бир инсон орзу-умид билан яшайди. Кўпчилик ҳалол меҳнат қилиб, йиллар давомида топган маблағи хисобига яхши ниёда билим ёки уй қуришни бошлайди. Аммо фуқароларнинг оддий ёнғин хавфсизлиги қондалари бепарқ қараганили сабабли машаққатли меҳнат эвазига қурилган уй-жой ёки мол-мулк бир ичда дақиқалар ичда кулга айланади.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилишигини сўраймиз.

Домо ҳушёр бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилиш орқали ўзингиз, оилангиз ва мол-мулкнингизни ҳимоя қилган бўласиз.

Дилшод БОЛЕГЕНОВ, Азиз ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бийосини ёнғиндан муҳофаз қилувчи ЁХБ инспекторлари

Фарзандларимиз – бизнинг келажагимиз. Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишига биз, ота-оналар жавобгармиз.

Шундай экан, ҳар биримиз уларни хонадонларда ёлғиз қолдирмасликка эътибор қаратишимиз лозим. Ёнғин ҳақида, "тилсиз ёв" нима оқибатларга олиб келиши тўғрисида тушунтириш даржор.

Шунинг учун Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари барчага фарзандларингизга эътиборли бўлишни ва бепарволикка йўл қўймайсизликни сўраб қолади.

Шерали ХАЛИЛОВ, Юнусобод тумани ЁХБ инспектори, сафдор

Олов – "тилсиз ёв" эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ёнғин натижасида нафақат бойликлар, уй-рўзгор буюмлари, балки азиз фарзандларимиз ҳам жабрланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам ёнғин келиб чиқишига йўл қўймайсиз зарур. Ёнғин туғилган оловга бепарволик билан қараш, албатта ёнғин чиқишига олиб келади. Газ ва электр ускуналарини ўчириб юришни ўзига эп кўрайдиганлар ҳам орамизда учраб туради.

Айримлар ҳатто кўра-била туриб қондаларни бузишди, гўёки бу уларга таалуқли эмасдек қарашди. Олиб борилаётган сай-харақлар инсонларнинг оддийгина бўлиб тушган ёнғин хавфсизлиги қондаларига жиддий эътибор билан қароларини тарғиб қилиб, ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Давлат БАЙТУРГАНОВ, Мирзо Улугбек тумани ЁХБ инспектори, катта лейтенант

Корхона-ташкилот, ўқув муассасаларида хавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш ёнғин хавфсизлиги хизматининг кўп тармоқли вазифаларидан биридир.

Болаларнинг аса хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш, ўзбошимчилик билан гўгурт, газ плиталари, электр асбобларидан ўйин-чоқ сифатида фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилмоқда.

Ушбу ишлардан қўланган асосий мақсад келажагимиз бўлган ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёнғин келиб чиқиш ҳолатларини бартафр эътидор.

Ҳабибулло ТАШМУХАМЕДОВ, 25-ҲЕҲК бўлима командири, кичик сержант

Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғида ёнғинлар, сабаблари ҳамда уларнинг олдини олиш ва ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш тўғрисида мунтазам тушунтирилишлар бериб борилаётган.

Ёнғин хавфсизлиги хизматининг ҳамкорлиқда олиб бораётган тадбирлар натижасида мамлакатимизда ёнғинлар сони бир мунчага қисқаришига сабаб бўлмоқда. Лекин ёнғиннинг олдини олиш нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати балки мамлакатимизда яшайётган барча фуқароларнинг бурчидир. Шу сабабдан ҳар доим ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилишни унутманг.

Комил ПУЛАТОВ, ЁХБ инспектори, лейтенант

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Зеро, газ ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш, бепарқлиқ, умуман, ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилмаслик ҳолатлари қўлимизда аҳоли турар жойларида учрайди. Айримлар ҳатто кўра-била туриб қондаларни бузишди, гўёки бу уларга таалуқли эмасдек қарашди. Оқибатда аса ёнғин содир бўлиб, катта зарар келтиради. Шундай экан, белгиланган қондаларга амал қилинг.

Илбасқўжа САЙДОРИПХОДЖАЕВ, ҲАМТКР ЁХБ ходими, катта лейтенант

Ёнғин туғилиш кўнгилсизликлар келиб чиқмаслиги учун ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари шу масала бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Улар фуқароларимизга ёнғинларнинг келиб чиқишида кишиларнинг бепарволиги асосий омил бўлаётганлигини, лоқайдлик сабаб уй-жойлар күйиб, кулга айланаётганлигини мисоллар ёрдамида тушунтириб беришаётир.

Раҳматилла ТАШМУХАМЕДОВ, Юнусобод тумани ЁХБ катта инспектори, катта сержант

Шаҳримиздаги турар-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини қўлайтириш мақсадида аҳоли, ишчи-хизматчилар ва ўқувчи-ёшлар орасида тушунтириш ишлари кенг қўламада олиб борилаётган.

Масканларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш, инсонларнинг бевақт ҳалок бўлишига йўл қўймайсиз асосий вазифамиздир. Домо ёнғин хавфсизлик қондалари таъминлаш мақсаққатли меҳнат эвазига келаётган бойлигимиз иншоот ва биноларимизнинг ёнғиндан сақлашга улуш қўшган бўламиз.

Акар ТУРАЕВ, Мирзо Улугбек тумани ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант

МУСАФФО ОСМОН ОСТИДА

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий ижодкорлари уюшмаси аъзоси, батик санъати устаси, республика ҳамда Россияда ўтказилган кўргазмалар иштирокчиси номинацияларида ғолиб Фируза Алиеванин "Мастер – skaya" номли батик асарлардан ташкил топган шахсий кўргазмаси очилди.

Унда Фируза ижодининг турли қирралари намойиш этилди. Батик рангтаъсир полотнолари шунингдек, сумка, халат, чопон, шарф, рўмол каби амалий санъат буюмлари ҳам тақдим этилган.

Кўргазманинг очилишида муаллифнинг санъат мухлислари билан фикр алмашиши ҳамда давра суҳбати ўтказилди.

Мутахассис ва бошқалар таъкидлаганидек намойиш қилинаётган ижодий ишларда муаллиф тасвирнинг рамзий маъноларини унинг бадий-эстетик жиҳатларига мувофиқлаштири олган. Кўргазманинг туб маъноси ҳам борлиқ сир-синаотларини маҳорат ила ранглар уйғунлигида ифода этишга қаратилган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Декабрь – ОИТС ва гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги БЕБАҲО ВАКЦИНА – ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Бу муаммо менга таалуқли эмас! Ҳеч биримиз атрофга боқиб, бундай фикрга бормаслигимиз керак.

Олимлар биринчи марта бундан 37 йил муқаддам ортирилган иммунитет танқислиги синдроми атамасини ишлата бошлашди. Ушанда бу синдромнинг келиб чиқиши қон билан боғлиқлигини тахмин қилишганди. Орадан уч йил ўтиб, бу касаллик дунёнинг 40 дан ортқ давлатларида рўйхатга олинди, касаллик юқиш йўллари ва биринчи текширув тест усуллари аниқланди.

Бу вируснинг икки тури мавжуд: ВИЧ-1 ва ВИЧ-2. ОИТСга қарши курашиш муаммосига эътиборни қаратиш мақсадида 1 декабрь санасини Бутунжаҳон ОИТСга қарши курашиш кунини дейилган бўлса, юртимизда декабрь "ОИТС ва гиёҳвандликка қарши курашиш" ойлиги деб эълон қилинди.

Бу хасталикнинг хавфи ва юқумли жиҳатлари кўйидагиларда кўринади: гиёҳвандлар умумий фойдаланган ва зарарсизлантирилмаган шприц орқали; шприцлар ва игналардан умумий фойдаланилганда; вирус билан зарарланган қон ва унинг таркибий қисмлари кўйилганда; зарарсизлантирилмаган жароҳлиқ, доялик, стоматолог ва бошқа тиббий асбоблар орқали тиббий муолажалар олганда; зарарсизлантирилмаган маиший асбоб-ускуналар орқали; туғруқ вақтида (она қони орқали); она сутини орқали

(эмизиш вақтида) юқиши мумкин.

ОИВ қандай ҳолларда юқмайди: қўл бериб кўришганда, кучоқлашганда, йўталганда, акса урганда, умумий телефондан фойдаланганда, ҳашоротлар қаққанда, бассейнд, ҳаммом, жохатхонадан умумий фойдаланилганда, умумий идиш-товуқдан, кийим-кечак ва кўрпа-тўшак орқали.

Одамда ушбу вирусни циркуляцияси Африкада 70 йил илгари бошланган ва шимпанзе маймунини овлаш ва гўштини бўлишда зарарланиши юзага келган деб гумон қилинади. Ҳайвонларда циркуляцияланувчи вирусларга ОИВ-1 яқинроқ келади ва шимпанзеларнинг баъзи бир популяциялари катта миқдордаги ретровируслар учун резервуар ҳисобланади.

ОИВ муаммоси ён-атрофимизда, унга йўлиқмаслик аса ўз қўлимизда. Ҳар бир хатарга қарши курашиш учун инсоннинг онгу тафаккури, покизалиги, маънавияти ёрдамга келади. Юқаск маънавият бу ахлоқсизликдан узоқ тутадиган, ОИТСдан сақлайдиган бебаҳо вакцинадир.

Наргиза АРИПОВА, Тошкент Тиббиёт академияси 2-сон ички касалликлар кафедраси ассистенти

Реклама ва эълонлар

"Ўзсанотқурилишбанк" АТБ Қўрай филиали қурилиш, реконструкция, мукамал ва жорий таъмирлаш ишларидан сўнг чиққан демонтаж қилинган буюмлар ҳамда меҳел жиҳозларини реал бозор нархларида баҳолаш ташкилотини аниқлаш бўйича ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Халқ депутатлари Яққасарой туман сайлов комиссияси шуни маълум қиладики, 8 та округ сайлов комиссиялари (6-Полвонорик, 5-Муҳандислар, 7-Тўқувчилар, 13-Саховат, 15-Яққасарой, 16-Мерос, 18-Олимлар, 19-Тараққиёт)нинг гербли муҳрлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ Олмалик филиали таркибидеги Охангарон шаҳрида жойлашган банк хизматлари марказини структуралари кабели тизими, кўриқлаш ва ёнғиндан ҳабар бериш воситаларини ўрнатиш, видео кузатув тизимини ўрнатиш бўйича лойиҳа-смета ишларини олиб бориш учун махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ